

ТАСВИРИЙ САНЬАТ ТҮГАРАК МАШГУЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА БАДИЙ-ИЖОДИЙ КОМПИТЕНТЛИКНИНГ ЎРНИ ТАДҚИҚОТ ЖАРАЁНИДА КУЗАТИЛГАН ТАДБИРЛАР МИСОЛИДА

Анкабаев Рахим Тургунович

Чирчик Давлат Педагогика Университети

“Тасвирий санъат ва дизайн” кафедраси катта ўқитувчиси

Annotatsiya: Мақолада “Ижодий устахона” машғулот жараёни умумий мақсадни амалга оширишга йўналтирилди. Бу ерда барча түгарак аъзолари ўз ижодий кўникмаларини ривожлантириш, мустақил таълимни амалга ошириш билан бирга кафедра жамоаси ва ўзи учун манфаатли вазифаларни бажариш. келажақдаги фаолияти учун зарур бўлган бадиий-ижодий компетентлигини ривожланишига қаратилган.

Kalit so‘zlar: мутахасислик, фан, тўгарак бадиий-ижодий, компитентлик, Ёш мусаввир, Китоб графикаси, Нафис санъат, Макет лойихаси, ижодкорлик.

Жаҳонда кузатилаётган глобаллашув жараёнлари таълим ва фан соҳасида унга мослашиш билан боғлиқ интеграцион ва инновацион жараёнларни пайдо қилмоқда. Дунё бўйича таълим тизимиға оид энг йирик ахборот манбаларидан бири ҳисобланган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (Organisation for Economic Co-operation and Development, OECD)нинг таҳлиллари бўлажак педагог-ўқитувчиларнинг касбий-инновацион фаолиятини ривожлантириш моделларини ишлаб чиқиш, таълимнинг барча турлари ва босқичларида ўкув жараёнлари самарадорлигини ошириш, мактаб ёшидан бошлаб таълим олувчини тўғри касбга йўналтириш, олий таълим муассасалари талабаларида бадиий-ижодий компетентликни таълимнинг турли шакллари орқали

такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотлар олиб бориш лозимлигини кўрсатмоқда.

Дунёнинг бир қатор етакчи мамлакатларида “STEAM – таълим” дастури асосида таълим олувчиларнинг бадиий-ижодий компетентлигини, илмий дунёқарашини ривожлантириш бўйича инновацион ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш, бўлажак мутахассисларнинг касбий ва ижодий маҳоратларини педагогиканинг замонавий парадигмалари асосида янада такомиллаштириш бўйича қўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жамият талабларига мос рақобатбардош кадрлар тайёрлашда назарий билимларга асосланган амалий фаолият уйғунлиги орқали бўлажак ўқитувчиларнинг компетентлигини такомиллаштириш, замонавий ахборот ва педагогик технологияларни таълим амалиётида муваффақиятли қўллаш, мотивацион, когнитив, операцион, рефлексив ва ўз-ўзини баҳолаш каби индикаторларни тизимга самарали татбиқ этишнинг назарий асослари ва амалий механизмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ фундаментал илмий мақолаларга зарурат ортмоқда.

Республикамизда мутахасислик фани бўйича бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш тизими ислоҳ қилиниб, бу тизимга нисбатан халқаро инновацион ёндашув имкониятларидан самарали фойдаланиш, малака талаблари, ўкув дастурлари ҳамда таълимнинг интеграцион шаклларида бадиий-ижодий компетентликни ривожлантиришнинг илмий асосланган тизимини, инновацион методикасини ривожлантириш зарурати пайдо бўлмоқда. Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида “таълим мазмуни ва сифатини ошириш, рақобатбардош, юқори билим ва кўникмаларга эга олий маълумотли педагоглар тайёрлашда самарадор бўлган педагогик таълим инновацион кластерларини жорий қилиш”¹²⁸ механизмлари янада такомиллаштирилмоқда. Бу, ўз навбатида, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари бадиий-ижодий компетентлигни ривожлантиришда таълим сифатини оширишга катта эътибор

¹²⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти 213-сон қарори // Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.04.2021 й., 09/21/213/0330-сон.

қартиш, таълим мазмунини лойиҳалаш, ўқитишининг янги методик моделларини жорий этиш, тўгарак машғулотлари методикаларини янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4119-сон “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги 213-сон “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу мақола муайян даражада хизмат қиласди.

Тасвирий санъат тўгарак машғулотлари фаолиятида бадиий-ижодий компитентликнинг ўрни тадқиқот жараёнида кузатилган тадбирлар мисолида “Сехрли мўйқалам”, “Ёш мусаввир” тўгаракларида уйга вазифа, мустақил таълим вазифалари учун композиция, портрет, натюроморт, манзаралар ишлаш билан бирга талабалар тураг жойларини ўз ижодий асарлари билан безатишида иштирок этишди. “Китоб графикаси” ва “Нафис санъат” тўгараги аъзолари турли мавзуларда китобларга график расмлар ишлаш, миниатюра рангтасвири бажариш билан бирга “Ёғоч ўймакорлиги” тўгарагида ишланган ёғоч қутичаларга миниатюралар чизиш, “Моҳир қўллар” тўгарагида ясалган қўғирчоқларга нозик ишлов беришда фаоллик кўрсатишиди. “Компьютер графикаси ва дизайн” тўгараги аъзолари “Макет лойиҳаси” тўгараги лойиҳалари учун эскизлар бажариш билан бирга, умумий кўргазмалар, танловлар учун афишалар, таклифномалар, буклетларни лойиҳалаштиришиди. Шунингдек,

“Китоб графикаси” тұғарагида режалаштирилген китблар дизайнини қилишди. “Ижодий тафаккур” тұғараги аъзолари эса худди шу жараёндан үзларининг илмий мақолалари учун маълумотлар олишди. Натижада, үз-үзидан жараённинг рекламаси амалга оширилишига эришилди. Шундан күриниб турибиди, бутун “Ижодий устахона” машғулот жараёни умумий мақсадни амалга оширишга йўналтирилди. Бу ерда барча тұғарак аъзолари ўз ижодий кўникмаларини ривожлантириш, мустақил таълимни амалга ошириш билан бирга кафедра жамоаси ва ўзи учун манфаатли вазифаларни бажаришига эришилди.

Ижодий ишларниларини намойиш этиш учун ташкил қилинган қўргазмалар жараёнида маълум бўлдики, талабаларга аниқ мақсад қўйилса, уларнинг ижодий иши натижасини кўрсатиш имконияти яратилса, талабалардаги ижод қилиш, янги асарлар яратишга бўлган қизиқиши ортади.

Олий таълим муассасаларида тасвирий санат тұғаракларида амалда бажариш орқали талабаларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ривожлантиришга қаратилган ўқув-методик таъминот ишлаб чиқилди.

Тұғаракларда яратилган ижодий маҳсулотлар, китоб графикасида ёш болалар учун ертак китблар, минатюра асрлари, ёғочдан ўйиб ишланган, лавх, қутича ва бошқа ҳар хил турдаги буюмлар талаба ва ўқувчилар томонидан катта қизиқиши билан бажарилмоқда. Бу ерда энг қизиғи, шу ерда яратилган тайёр маҳсулотларни сотувга қўйиши, ўзини моддий жихатдан қўллаб-қувватлаш орқали ёғоч ўймакорлиги, минатюра, макет лойиҳаси, ва амалий санъатнинг бошқа турлари бўйича талабалар томонидан ишлатиладиган материаллар, асбоб-анжомлар харид қилинмоқда.

Ижодий машғулотлар ўқувчиларда эстетик дидни шакллантириб қолмай, балки уларни амалий безак санъати ва миллий халқ ҳунармандчилиги асарлари билан таништиради, уларга зарур ижодий билимларни беради, бадиий меҳнат

кўникмаларини ривожлантиради ва шу билан бирга уларни иқтидори бўйича касбларга йўналтириш¹²⁹ учун руҳий ва амалий тайёргарликни амалга оширади.

Тасвирий санъатни ўқитиш методларини қўллашда касбий-ижодий билим олиш, тўплаш, сақлаш, акс эттириш ва етказишнинг янги восита хамда методлари асосида педагогик жараённи режалаштириш, ташкил этиш, амалга ошириш, бошқариш, таҳлил қилиш таъминланди

- ижодкорлик қобилияtlари ривожланади;
- ҳиссий дунёқарашларини шаклланиб, маънавияти тарбияланади;
- тасвирий санъат ҳақидаги қадимги дунё санъатидан то ҳозирги вақтгача бўлган асосий билимларни эгаллашади;

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

- 1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 213-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.04.2021 й., 09/21/213/0330-сон.
- 2.Sultanov Kh.E., Marasulova I.M., Bakhriev I.S., Ankabaev R.T. The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education / International Journal of Psychosocial Rehabilitation, ISSN: 1475-7192// Vol. 24, Issue 05, 2020: -R. 6586-6591.
- 3.The role and significance of the landscape genre in the fine arts EPRA International Journal of Research and Development **Volume: 5, Issue:3, March 2020 ISSN: 2455-7838(Online)** R.T Ankabayev, I.S.Bakhriev, M.J.Mahmudov,

¹²⁹ Sultanov Kh.E., Innovation technology clusters use of technology in illustration/ International Journal of Psychosocial Rehabilitation// Vol. 24, Issue 04, 2020 ISSN: 1475-7192: -3876.